




ЭТИҚОД  
ЭРКИНЛИГИ  
КАФОЛАТЛАНГАН

Сирожиддин РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ устаси:  
САБРДАН ГҮЛ УНАДИ




4



КИТОБ РЕКЛАМАСИ  
КЕРАК (ми?)!

5



6

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Ҳар ким  
билим олиш  
ҳуқуқи га  
эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси IX боб, 41-модда

**МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!**  
Ошлангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга

2016 йил учун обуна давом этмоқда!

Обуна индекси — 176

## МТ МАТБУОТ тарқатувчи

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зиммамизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”!

Мурожаат учун телефонлар: 233-67-98, 234-85-99



Реклама ўрнида

## ИЛМ БЕРМОҚ САОДАТДИР

дейди халқ таълими аълочиси Дилрабохон Ҳасанова

Хар бир халқ, хар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданок Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сийбосати даражасида эътибор қаратилиб, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини эъозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилаётган.

Бу каби эътибордан баҳраманд бўлиб, улкан ютуқларни қўлга киритаётган таълим усталари Марғилон шаҳрида ҳам кўп. Шаҳардаги 17-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилрабохон Ҳасанова ҳам ана шундай изланувчан, ташаббускор, фаол ва жонқуяр устозлардан бири. У яқинда "Халқ таълими аълочиси" унвони билан тақдирланди, бу албатта, унинг фидойи меҳнати самарасидир. Чунки қаҳрамонимиз бугун ёш авлод камолоти йўлида из-

ланиб, ўзининг истеъдоди ва маҳорати, касбий салоҳияти билан ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

Дилрабохон Ҳасанова ўтган вақт давомида билимдон мутахассис, мохир педагог сифатида раҳбариятнинг, халқ таълими фидойиларининг эътиборига тушди. Маҳоратли устоз ўзига бириктирилган дарсларни пухта тайёргарлик билан олиб боради. Машғулотларда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланаётгани эса ўғил-қизларнинг фанга бўлган қизиқишларини юксалтирмоқда. Уларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш билан бир қаторда она тили ва адабиёт фанига бўлган муҳаббатини оширмоқда. Дилрабохон Ҳасанова мактабда ўқувчиларни китобга қизиқишини ўстириш мақсадида "Билимдон" тўғарагини ҳам ташкил этган. Тўғарак машғулотларида муаллимнинг тавсиялари асосида ўғил-қизларни чин дилдан она тилининг сир-асорини пухта ўрганмоқда.

Дилрабохоннинг ютуқлари бисёр. У 2011-2012 ўқув

йилида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтган анъанавий август кенгашида "Она тили ва адабиёт дарсларида инновацион технологияларни қўллаш" мавзусидаги семинар-тренинг орқали мураббийларнинг эътирофига сазовор бўлди. "Она тили ва адабиёт фанини ўқитишдаги муаммо ва ечимлар" мавзусидаги илмий методик маърузасида эса ўзининг илмий салоҳиятини намойиш этди. Бу йўлда қаттиқ изланди, меҳнат қилди.

Дилрабохон Ҳасанова ўз устида доимий ишлайдиган, янгиликларни ҳаётга дадил тадбиқ эта оладиган ўқитувчи. У бир жойда тўхтаб турадиганлардан эмас. Машғулотлардан ортиб, педагогика соҳасига доир мақолалари билан газета саҳифаларида ҳам қатнашиб туради. Бугунги имкониятлардан ғурурланади. Дарвоқе, у ўзининг бир қатор публи-

## Таълим фидойилари



цистик ва долзарб материалларида атрофимизда рўй бераётган муаммолар, ўқитиш борасидаги методларни кўтариб чиқди.

— Ўнлаб мураббийларимиз бу йил ҳам юксак мукофотлар билан тақдирланишди. Биз ана шундай тўқис шарт-шароитга энг аввало, истиқлол шаурофати, муҳтарам Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликлари туфайли эришдик, — дейди Дилрабохон Ҳасанова. — Ёшларга илму сабоқ бермоқни саодат деб билган ҳар бир муаллим буларни чин дилдан хис қилади. Бундай эҳтиром бизни янада фидойи бўлишга, эртанги кун эгалари бўлиш навқирон авлодга таълим-тарбия беришдек савобли улуғвор ишга катта масъулият билан ёндашишга ундайверади.

**Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,**  
журналист.  
Фаргона вилояти.

## Тадбир

### ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

ҳайдовчилар учун ҳам, йўловчилар учун ҳам фойдали

Жорий йилнинг 1 ноябрдан 1 декабрига Самарқанд вилоятида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Ушбу тадбирни намунали ўтказиш мақсадида Жомбой туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими томонидан ҳам кенг қўламли профилактика ишлари олиб борилмоқда.

— Туманимиз ҳудудидаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи автокорхоналарнинг техника хавфсизлиги ходимлари ва ҳайдовчилари билан суҳбатлар ўтказилди. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидалари борасидаги саводхонлик даражаси синовдан ўтказилди. Бу эса ҳайдовчилар учун ҳам, йўловчилар учун ҳам фойдали,

— дейди Жомбой туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори, сержант Илҳом Тошпўлатов. — Шунингдек, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида ҳам йўл ҳаракати қоидалари, хавфсизлики таъминлаш юзасидан ўқувчилар билан суҳбат, савол-жавоблар ташкил этилди. Махсус тайёрланган буклетлар тарқатдик.

Автотранспорт ҳайдовчиси доимо ҳушёр, сергак бўлиши, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт. Шу билан бирга йўловчилар ҳам ҳаракат иштирокчиси сифатида ўз мажбуриятларини унутмасликлари лозим. Чунки айрим йўловчиларимиз йўл ҳаракати қоидаларини писанд қилмай, уни қўпол равишда бузадилар. Масалан, йўл чироқларига эътибор бермайдилар ёки кесиб ўтиш таъқиқланган серкатнов кўчалардан ўтадилар. Бундай вазиятда ҳайдовчи йўловчига зарар етказмаслик учун фавқуллодда зарурият юзасидан йўл қоидадини бузишга мажбур бўлиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ана шу кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида йўловчилар ҳам йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидадига қатъий риоя қилишга масъул.

Халқимизда "Йўл қоидаси — умр фойдаси", деган ғал бор. Ҳар бир ҳаракат иштирокчиси кўчага чиқшдан олдин ушбу ҳаётий иборанинг мазмун-моҳиятини англаб ҳаракат қилса, яхши бўларди.

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

## ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАЙДОНИ

Пойтахтимизда "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида ўтказилаётган Ёшлар ҳафталигининг муҳим лойиҳаларидан бири — мода ва дизайн фестивали барчанинг диққат марказида бўлди.

Шу муносабат билан Ёшлар ижод саройидаги тадбирда сўзга чиққанлар ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг пухта таълим олиши учун шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлашди ва бу сингари фестиваллар тажриба алмашиш муҳим ўрин тутишини эътироф этдилар.

Фестиваль давомида Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat, Тошкент архитектура-қурилиш, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтлари талабалари, Республика рассомлик, Республика дизайн коллежлари ўқувчиларининг коллекциялари намойиш этилди.

Унда ижодкорларнинг мато ва ранг,

миллий анъана ва қадриятлар уйғунлиги, замонавийликка янгича ёндашуви асосида яратилган асарлари фестивал иштирокчиларига манзур бўлди. Анъанавий нақшлар, инсонларнинг дунёқарашига мос турли безак элементларидан фойдаланилган либослар коллекциялари мутахассислар томонидан баҳоланди. Дизайнерларнинг иш услуби, янгиликка интилиши ва ёндашувнинг ўзига хошлигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Юртимизда истеъдодли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти "Либос дизайни" кафедраси доценти А.Аллабергана. — Мазкур фестивал ижодкор ёшларнинг мода ва дизайн борасидаги маҳоратини баҳолаш имконини берди. Ҳамкорликда ишлаш учун муҳим қадам бўлди.

Тадбир давомида ёш мутахассисларнинг гала-дефилеси ҳам бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юрлари ўқитув-

## Ҳафталик

чи ва талабалари, коллеж ўқувчилари, эркин ижодкорларнинг либослар тўпламлари намойиш этилди.

Ёшлар ҳафталиги давомида тақдим этилган кўргазма-намоишлар буйича "Модалабаторияси" номинациясида Регина Юсупова, "Дебют" номинациясида Эльвира Мустафина, "Театр либоси" номинациясида Ўғилло Азимова, "Халқ либоси" йўналишида Гузал Кутпуллаева биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, "Энг яхши рангтаъбирчи", "Энг яхши ҳайкалтарош", "Энг ёш рассом", "Дебют", "Энг яхши хунарманд", "Энг ёш амалий санъат рассоми", "Энг ёш санъатшунос", "Энг яхши либос дизайни", "Энг яхши халқ костоми" йўналишларида ҳам ёш мутахассислар тақдирланди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**Муҳаммадҷон ШОКИРОВ,**  
Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқитувчиси

## ҲАР ЛАҲЗА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ёнгинлар асосан, фуқароларнинг эътиборсизлиги, талаб-қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Жумладан, оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлик оқибатида 133 та, хонадонларда ва баланд қаватли уйларда, ярқисиз электр ускуналарида ёки улардан нотўғри фойдаланишдан 28 та, болаларнинг шўхлиги оқибатида 30 та, иситиш печларини қуриш-ишлатиш қоидалари бузиш ва нотўғри фойдаланиш натижасида 10 та шундай нохуш ҳолат келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

қарорига асосан республикамизнинг барча ҳудудларида шу йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар ўтказилаётган "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"дан кўзланган асосий мақсад фуқароларни огоҳликка чорлаш ҳамда қўтилмаган ёнгинларнинг олдини олишдан иборатдир.

Ўзингиз ва яқинларингиз ҳаётини, уй-жойингиз ҳамда мол-мулкнингизни асраш учун қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг: уйингизда ёниб турган газ ва электр асбоб ускуналарини назоратсиз қолдирманг, газ тармоғидан резина шланг орқали фойдаланманг, газни ёқишдан олдин гугуртини ёқиб, сўнгра газ жўмрагини

аста-секин очинг. Газ гарелкаси ва иситиш печлари устида кир қуритманг, газ ҳиди сезилган заҳоти эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш ва бу ҳақда зудлик билан газ идораларига хабар бериш зарур. Айниқса, газ ва электр асбобларини қаровсиз қолдириш мумкин эмас.

Бундан ташқари, иситиш печи ва ўчоқларига олов олдириш учун бензин ёки керосин каби тез аланга олувчи воситалардан фойдаланиш мумкин эмас. Иситиш печи мўриқонларини бинонинг ёғочсимдан 38 смдан кам бўлмаган масофада ўрнатиш, иситиш печи ва мўрини ўз вақтида таъмир-

лаш, чордоққа ёнгинга қарши девор ўрнатиш керак. Электр симларининг узилган ва ишдан чиққан қисмларини тезда сошлаш, қўлбола электр асбоблари ва газга мослаштирилган иситиш водиталаридан фойдаланиш нотўғри. Уйдан чиқшдан олдин газ ва электр ускуналар (плита, дазмол, телевизор ва бошқалар) нинг ўчирилганини текшириб чиқинг.

Ёнгин содир бўлганда зудлик билан "101" рақами орқали Ёнгин хавфсизлиги хизматига хабар бериш зарур.

**Дилшод УМАРОВ,**  
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант.

# ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАНГАН

Мамлакатда тинч-тотув яшаш, бахтли-саодатли умр кечирмоқ шарафдир

Виждон, иймон, эътиқод, ҳаё, ибо, ор-номус тушунчалари нутқимизда азал-азалдан мавжуд. Уларнинг ҳаётдаги ифодасини эса ҳар бир инсоннинг турмуш тарзи ва маънавий олами билан боғлиқ ҳолда кўришимиз мумкин. Фақат юрак билан илгаш ва ҳис қилиш мумкин бўлган бу атамаларни инсоний фазилатнинг қирралари сифатида таъкидлаш ҳам ҳаётлик эмас. Донишмандларимиз комилликнинг аксарияти талабларини ўзида мужассам этган кишилар ҳаётда ўз ният ва мақсадларига эришишини қайд қилиб ўтганлар.

Инсоф-диёнат, иймон-эътиқод, савоб ва гуноҳ, яхшилик ва ёмонлик, маърифат ва жаҳолат тўғрисида кўп гапираримиз. Инсоннинг руҳий оламида кечадиган ҳис-туйғулар унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатида рўй берадиган ҳолатларга қиёсий баҳо беришда бир-бирига зид тушунчаларнинг ижобий-си ҳамиша ўзини оқлаб келган. Жамиятда кечадиган шахслараро муносабатларни аниқ тизимга солишнинг имкони йўқ, аслида. Аллома-донишмандларимиз барча иллат ва фожаларнинг асл сабабини иймонсизликда, инсофсизликда деб биладилар. Ўзаро сўзлашув ва давраларда "Қариларга иймон, ёшларга инсоф-диёнат берсин", деган гап кўп такрорланади. Комил шахсни вояга етказиш, юксак маънавий-ахлоқий мезонлар асосида фарзанд тарбиясини олиб бориш энг устувор вазифа даражасига кўтарилган бир пайтда инсон феъл-атворида юзага келиши мумкин бўлган қусур ва нуқсонларни бартараф этишга аввало, оила муҳитида, сўнгра таълим даргоҳларида эътибор қаратилиши керак. Агар ҳар қайси жамиятда шахс тарбиясига жиддий талаб билан ёндашилса, иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, ахлоқан пок, ҳалолликни ўз ҳаётига сингдира оладиган инсон вояга етади ва ўша жамиятда оқошталлик,

фаровонлик ҳукм суради.

Ўрта аср Шарқ алломаларидан бири Абу Наср Форобий камолотнинг энг сўнги макомига (юқори даражасига) эришган одам мутлақ бахт соҳиби бўлишини таъкидлайди. Аммо бундай бахтга инсон фақат фозил шахар (мукамал давлат тузуми ташкил этилган жамият) дагина эриша олади. Бундай жамиятда кишиларнинг турмуш тарзи ва яшаш таомиллари ўзаро ҳамкорлик, бир-бирларига муҳаббат, адолат каби юксак ахлоқий фазилатлар негизига қурилади. Фозил жамоанинг бошқа номукамал, жаҳолат ҳукм сурайдиган жамиятдан фарқи шундаки, унда кишилар энг гўзал ва эзгу мақсадларга эришиш йўлида бир-бирларига яқиндан ёрдам берадилар. Юртбошимиз Шарқ алломалари томонидан илгари сурилган ана шу гоёларни эътироф эта туриб, шундай деганлар: "Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улғувор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг кудратли салоҳият манбаидир".

Жамиятимизда шундай ҳодиса кузатиладики, ҳар қайси инсон руҳий оламида қандайдир мутлақ кодир куч борлигига ишонч туйғуси мавжуд. Борлиққа ва ҳаётга назар солсак, коинотдаги нарсасиз-ҳодисалар синчиклаб ўрганилса, улар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганининг, балки улар ягона Асрагувчи томонидан вужудга келтирилганининг гувоҳи бўлаемиз. Ислон таълимотида эса, иймон-эътиқод Аллоҳ томонидан бандаларга берилган неъматларнинг энг улуги сифатида қадрланади.

**Исоҳқон Бегматов,  
Тошкент шаҳридаги  
"Тўхтабой" жомеъ масжиди  
имом хатиби:**

— Ислон ҳидоятда тарбия кўрган, унинг соф ва пок булоқларидан баҳра олиб улғайган мусулмон киши ўзи яшаб турган жамиятдаги барча инсонларга наф келтириш ниятида умргузаронлик қиладди. Чунки, у



э з г у л и к н и ёвузликдан устун қўяди, жаҳолатни қоралайди, маърифатни дурру гавҳар ўрнида кўради, қийналган табақага қўлидан келгунча хайр-саховат кўрсатади, ўзгалар айбини очиш эмас, балки ёпишга ҳаракат қиладди. Ислон таълимотига кўра, инсонларга яхшилик қилиш икки саодатига олиб келиши башорат қилинган. Иймон-эътиқодли киши эзгулик йўлида қўйилган ҳар бир қадам учун Аллоҳдан улуг ажрлар бўлишга қатъий ишонади. Мусулмон киши садақа-эҳсон қилишдан, яъни ўзи яшаётган жамият фаровонлиги ва саодати йўлида хайрли амалларни адо этишдан мамнун бўлиб яшайди. Агар у бундан ожиз бўлса ёки бирор-бир сабаб юзасидан қила олмаса, у вақтда тили ва қўлоқларини ёмонликдан тийса, шубҳасиз ажру савобга сазовор бўлади. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг барча ҳадисларида амал қилиб яшаш ҳар биримизга икки дунё саодатини насиб айлашига ишонсак, бағоят соз бўлар эди. Одамийлик илмини эгаллаган киши ўзига сеvimли бўлган нарсани бошқа биродарла-

рига ҳам илиниши, уларга бўлаётган ҳар қандай зарарни даф қилиши лозимдир.

Иймон-эътиқоди мустаҳкам биродаримиз эзгуликни фақат моддий кўмак бериш ёхуд бирор жисмоний ёрдам кўрсатишдан иборат, деб тушунмайди. Зеро, яхшиликнинг чеки-чегараси йўқ. Меҳрга, муруватга муштоқ кўнгилларни зиёрат этиш ҳам — бир яхшилик. Кимгадир ўз касби ёки хунаридан сабоқ бериш ҳам яхшилик. Бинобарин, "Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши лозим" деган доно шиорни ўзимизга дастур билиб, доим яхшилик қилиш пайида бўлмоғимиз бизни ҳақиқий инсонийлик сифатига сазовор этиши, шубҳасиздир.

Маънавий-ахлоқий олами бой, турли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган, ўз манфаатларини Ватан тараққиёти билан уйғунликда кўриш учун мавжуд имкониётлардан оқилона фойдалана биладиган, жамиятда кечадиган воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабат билдирадиган шахсни вояга етказиш нафақат оиланинг, балки давлат сиёсатининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Бош комусимизда белгиланган эркинлик ижтимоий келиб чиқиши, касби, жинси, ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқарога ўз эътиқодини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни Конституцияда белгилаб қўйилган эркинликни янада мустаҳкамлаш билан бирга жамиятда кечадиган бу жараённи тартибга солади.

**Миродил Баратов,  
Юрист-ҳуқуқшунос,  
"Хуқук ва бурч" журнали  
бош муҳаррири ўринбосари:**

— Республикаимизда виждон эркинлигига оид дастлабки қонуннинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 90-йилларига тўғри келади. 1991 йил 14

"Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг  
31-моддаси.

июнь санасида илк бор "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 1998 йилга келиб ушбу қонуннинг янги таҳрири кучга кирди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистонда яшовчи кўп миллатли халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда менталитети ҳисобга олинган. Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат. Ўзбекистонда жами 2231 та диний ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, шундан 2050 таси исломий-диний ва 181 таси бошқа йўналишдаги ташкилотдир. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида мустаҳкам бир динга эътиқод қилувчиларни бошқасига ўтиш учун давлат қилишга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолиятининг таъқиқланиши ҳақидаги қоида юртимиз хавфсизлиги, турли дин вакилларининг тинч-тотув яшашини таъминлаш билан боғлиқ мақсадларни ўз ичига олади. Зеро, инсон ўзи дини, эътиқодини турли гоъвий таъсирлар остида ўзгартириши кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, ривожланиши ва юксалиши шу заминдаги тинчлик ва оқошталлик муҳитига бевосита боғлиқдир. Шу маънода бизнинг Ватанимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакиллари ягона мақсад-муддао, яъни барқарорлик, ўзаро тинч-тотувлик ва бағрикенглик муҳитида яшаб, азиз ва муқаддас диёримизни кўз қорачўғидек асраб-авайлаш йўлида бирлашиб, жипслашиб меҳнат қилишмоқда.

**Хулқар ҚУЗМЕТОВА,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган  
журналист.**

## ВАТАН ХИЗМАТИ — ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

...Эсимда, синфимиздаги йигитлар ҳаммаси олий ўқув юртрага киришга интилишар, армия деса, бир қадам нари қочарди. Бугун эса фарзандларимиз ҳарбий хизматга боришни шараф деб билади. Бунинг сабаби нима?

Турли байрамлар арафасида Сирдарё вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда ташкил этиладиган учрашувларда иштирок этиб, аскарлар билан суҳбатлашаман. Йигитларнинг дунёқарашини, келажакка интилишини, ўзларининг билим ва еаломатликларини ҳақида қайгуришларини кўриб, рост, ҳавасим келади. Ҳар бир аскар

армия эр йигитга келажакда ўз ўрнини топишида, қийинчиликларни матонат билан энгиб ўтишида куч-қувват бағишлашини таъкидлайди. Бу юксак шон-шарафга, мард, жасур ўғлонларимизнинг ҳақиқий ҳаёт мактабига айлангани айниқса, қувонарли. Ҳатто ҳар бир йигитнинг ўз она Ватанига содиқлик билан хизмат қилиши муқаддас бурч эканлиги фарзандларимизга оиладанок уларнинг қалбига чукур сингдириб борилаётганлиги кўнгилга ўзгача шуқуқ бағишлайди.

Шу ҳақда сўз очилса, фарғоналик она Гулайда Камолотанинг айтган гаплари қулоғим остида доим

жаранглайди:

— Эр йигит Ватан учун туғилади, дейишди. Тўрт ўғлим бор, ҳаммаси эл олдидаги йигитлик бурчларини шарафли адо этган, ҳозир кенжатоим Аскаржон Сирдарё вилоятида хизматда. Йигит омон бўлса, кўрғон саломат, деган гапни кичкиналигиданок отаси билан қулоғига қўйиб ўстирганимиз учун ҳам болаларимиз мард ва жасурлик бобида бошқаларга намуна эканлигини кўпчиликдан, айниқса, устозларидан эшитиб бошимиз осмонга етди.

Дарҳақиқат, оилада берилган тўғри тарбия йигитларимизнинг да-

дил, ўқтам бўлиб улғайишларига, оиласи, туғилиб ўсган гўшаси ҳимоясига ҳар лаҳза тайёр туришларига кўмак беради. Шунингдек, ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда, ФХДЁ қошидаги "Ёш никоҳланувчилар мактаби" машғулотларида ушбу мавзуда тез-тез мулоқотлар ўтказиб тура-миз. Бунда ўзбек йигитларининг дунёқарашини кенг, фикри тиниқ, қатъиятли эканига гувоҳ бўламан.

**Дилфуза ШАМСИЕВА,  
Сайхунбод тумани ФХДЁ  
бўлими мудирини.  
Сирдарё вилояти.**

Бурч

Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг ёрқин намоянаси, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевнинг ижод намуналарини пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Мустақиллик майдонидаги Хотира майдони, "Шаҳидлар хотираси" хиёбони, Ҳазрати Имом мемориал мажмуаси, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Имом ал-Бухорий, Нақшбандий мажмуаларини кўриш, айланиш жараёнида кўп учратасиз.

Сирожиддин РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ устаси:

## САБРДАН ГУЛ УНАДИ

— Сирожиддин ака, технологиялар даврида ҳам ёшларимизнинг ёғоч ўймакорлигига қизиқиши ортиб бораётгани кувонарли, албатта. Айтинг-чи, миллий хунармандчиликнинг қандай сирини борки, у ҳар бир даврда ўз маънасини, ўрнини сақлай олади?

— Миллатимизнинг хунармандчилиги санъати кеча ёки бугун пайдо бўлмаган. У асрлар оша аждодлардан авлодларга мерос маданий бойлигимиздир. Яна бир муҳим тарафи шундаки, меҳнатсеварлик қон-қонимизга сингит кетган. Халқимиз орасида "Йигит кишига қирқ хунар оз", "Хунарли хор бўлмас", "Хунарли бўлсанг, дунё сеники" деган кўплаб ибратли мақоллар ҳам беҳиз айтилмаган. Фарзандларимиз қайси соҳанинг эгаси бўлишмасин, албатта, уларга кўшимча хунар ўргатишга одатланганмиз. Ҳар бир шогирдининг камида унаб ўроқлари ёғоч ўймакорлиги ўста бўлиш ниятида келишади. Тўғри, бу иш сабр-тоқатни талаб этади. Ҳаваскорларнинг ҳаммаси ҳам уни касб қилиб олишолмайди. Аммо улар орасидан ҳақиқий маҳорат эгалари аста-секинлик билан сараланиб боради. Ёғоч ўймакорлиги санъати инсон тасаввурлари каби чексиз имкониятларга эга. Айниқса, ҳозиргидаги хом-ашёллар етарли, шароитлар қулай бир пайтда кимнинг ишлагиси келмайди дейсиз? Атрофимиздаги йигитларга қараб, беихтиёр ўзимнинг ёшлигимни эсламан. У пайтлар бундай шароитларни орзу қилардик, холос. Қаҳратон қиш кунлари ёнғоқ дарахтининг йўғон шохларини кесиб келиб, уйимизда минг азобда куритардим ва ҳар хил қутчалар ясардим.

— Нафақат юртимиздаги кўплаб байрамларда, балки халқаро кўргазмаларда ҳам сиз ўз асарларингиз билан иштирок этиб келаясиз. Миллий ёғоч ўймакорлиги санъатимиз қай даражада хорижликлар эътиборини тортмоқда?

— Халқ амалий санъати ва хунармандчилигимиз махсулотларига хорижликларнинг қизиқиши юқори. 1994 йили Малайзияда "Халқаро миллий хунармандчилик кўргазмаси" бўлиб ўтган, мен ўшанда илк бор иштирок этгандим. Асарларимизга қай даражада баҳо беришаркан, деган фикр, хавотир менга сира тинчлик бермасди. Аммо ижодий ишларимизга қизиқишни кўриб, катта таассуротлар билан қайтгандим. Кейинчалик шогирдларим билан биргаликда Германия, Франция, Япония ва яна бошқа бир неча давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб қайтдик.

— Бошқа мамлакатларда ёғоч ўймакорлиги санъати қай дара-

жада ривожланган?

— Умуман олганда, кўплаб давлатларда ўймакорлик санъати мавжуд. Улар такрорланмас. Қайсидир мамлакатда йирик нақшлар ишланса, яна бошқасида тошларга гулларни ўйиб нақшлашади. Бироқ, бир ой давомида бўлиб ўтган ўша кўргазмада асарларимиз майда нақшлиги, нафислиги билан ҳаммамнинг эътиборини тортганди. Кўргазма махсулотларимизга юксак баҳо берилгани, балки маҳорат алмашиш майдонига айлангани билан ҳам ёдимда қолган. Айниқса, Индонезия ва Покистоннинг ёғоч ўймакорлиги санъати мени ҳайратга солган эди. Улар турли хил ҳайкалчалар, барг, мева, гуллар шаклидаги эсталик совғаларини қойилмақом қилиб ишлашганди.

— Ишингиз жуда нозик. Нафис нақшларни ёғочга ўйиб тушириш катта сабрни талаб қилади? Нимадан куч оласиз?

— Айтайлик, кўргазмада томошабинлардан бирортаси келиб асарларини томоша қилса, тайёрланиши ҳақида қизиқса, обидаларга зийратга келганлар ўша ердаги ишларимизга эътибор беришса, янада иштиёқ билан ишлай бошлайман. Шунингдек, ёшларнинг бу санъат турига қизиқиши, шогирдларимнинг сафи кенгайиб бораётгани ҳам менга куч ва илҳом беради. Мамлакатимизда миллий хунармандчилигимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли шу соҳанинг вакили сифатида халқимизнинг бой ва бетакор маданий, маънавий, миллий анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва келажак авлодга етказишда янада кўпроқ масъулиятни ҳис этаман. Ёшларга бу санъатни ўргатишни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан. Бу санъатни мукамал эгаллаш учун нафақат ўзимизнинг, балки дунё халқларининг ёғоч ўймакорлиги санъатидан ҳам бохабар бўлишлари керак. Чунки, республикамизнинг барча вилоятларидаги ўймакорлик санъати бир-биридан фарқ қилганидек, ҳар бир миллатнинг ўзига ҳос ёғоч ўймакорлиги услуби ҳам бор.

2009 йили Малайзиянинг хунармандлар малакасини ошириш институтида бўлиб, икки ой давомида бошқа мамлакатларнинг ёғоч ўймакорлиги санъатини ўргандим. Қайтишимда ўша ердаги дарахт ёғочларидан олиб келдим. Аммо бизнинг об-ҳавода улар тезда сифатини йўқотди. Кейинчалик махсус қопламалар билангина уларнинг сифатини сақлаб қолиш мумкинлигини билиб олдим. Лекин ўзимизнинг қайрағоч, ёнғоқ, терак каби дарахтлардан ясалган ҳар қандай махсулот дунёнинг қай бир ерига олиб кетилмасин, аслини йўқотмайди. Айниқса, ёнғоқ дарах-



тидан ясалган кўплаб санъат асарлари мезморий обидаларда асрлар давомида сақланиб турганлиги сўзимнинг исботидир.

— Хунарманд бўлиш учун тугма истеъдод бўлиши керакми ёки амалиётнинг ўзи етарлими?

— Менимча, бу ишга қизиққан, меҳр кўйган одам, сабр-тоқат билан муваффақиятга эришаверади. Илк сабоқларни Республика рассомчилиги билим юртидаги устозим Сайидазим Қосимовдан олганман. Кейин эса Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев менга ёғоч ўймакорлиги сирларидан эгар берди. Авлодимизда айнан ёғоч ўймақори устаси бўлмаган. Ака-укаларимдан учтаммиз хунарманд-уста бўлиб етишдик. Икки укам Суннатилла ва Фаҳриддин миниатюра йўналишида ижод қилишяпти.

— Балки сизларда санъатга қизиқиш уйғонишида ота-онангизнинг, оилангиздаги муҳтнинг таъсири катта бўлгандир?

— Дадам Рихситилла ота аслида, санъатни жуда севган деҳқон эди. Етмишга кирганида ҳам Маъмуржон Узоқов, Фаҳриддин Умаров, Очилхон Отахонов, Фароғат Раҳматова каби санъатимиз даргаларининг қўшиқларини тинглашни яхши кўрардилар. Онам эса уй бекаси эди. Беш қиз, етти ўғлини тарбиялашининг ўзи бир аёлга етиб ортади, менимча.

Болалик давларимни ёдимга солдигиз-да. Опаларимни узатиб, ўғиллар бирма-бир уйлана бошлаган пайтларимиз... Етти ака-ука, етти келин... Хуллас, катта ҳовлида ўттиз бир киши яшардик. Бир кун кечки пайт ошхонага кирсам, катта келин-ийим бир йиғлаб, бир қулиб турибдилар. Сабабини сўрасам, овқат сузилган косаларни санаб ҳисобда янгилиб кетяман, дейдилар. Мана йиллар ўтиб, энди ўзимиз набиралар қуршовида буви-ю бува бўлиб, шу кунларга шукроналар айтиб ўтирибмиз. Икки қизим фарзанд тарбияси билан банд. Ўғлим Камолддин эса касбимни давом эттиришни хоҳлади.

— Ўн йилдан ошибдики, "Ўймакор" тўғарагида ёшларга бу санъатнинг Тошкент мактаби услубини ўргатиб келаясиз, демак, шогирдларингиз ҳам оз эмас, шундайми?

— Шогирдларим сони билмайман. Санасам ҳисобдан янглишишим аниқ. Улардан мамнунман. Камолддин, Баҳодир, Шухратжон, Авазбек, хуллас, ҳақиқий усталик мақомига эришганлари кўп.

Миллий қадриятларимиз ва маданий бойликларимизни улуғлаш, асл анъаналаримизни ёш авлод онгига сингдириш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб биламан.

"Оила ва жамият" мухбири  
Барно МИРЗААҲМЕДОВА  
сўхбатлашди.



**КАТҲИЙ** – "узил-кесил", "ўзгармайдиган", "мустаҳкам", "барқарор" демакдир. Бу сўзнинг туб илдизи "кесди" деган маънони англатади. "Катҳият", "катҳий назар" сўзлари асли шу илдиздан ўсиб чиққан.

Кутидорнинг бу сўзи жуда ҳам катҳий эди.

Абдулла Қодирий

**ШАҲЛО.** Катта, чиройли, нурлиб турадиган қора кўз маъносини англатган "шаҳло"нинг туб илдизи ҳозиргидан анча фарқланади. Яъни, "шаҳло" асли "қўқ кўзли" демакдир.

Кумушнинг камон қошлари ортик мавж уриб, ўзини кўрсатган, бироз бота тушган шаҳло кўзлар тагин ҳам тим қоралик, тагин ҳам нурлилик касб этган эдилар.

Абдулла Қодирий

**ТАШВИК, ТАШВИКОТ ВА ШАВҚ** – бир қарашда "ташвиқ" ва "ташвиқот" сўзи билан "шавқ" сўзининг бир-бирига умуман алоқаси йўқдай туюлади. Бироқ "ташвиқ" таркибида "шавқ" борлиги унинг шаклидан кўриниб турибди. "Ташвиқ" ва "шавқ" сўзларининг туб илдизи "қизиқиш уйғотди", "хоҳиш уйғотди" маъноларини англатади.

Бу фикрингизни қанчалик жон куйдириб ташвиқ қилганингиз билан даврадагилар тушунди-микин?

Журналдан

**ТАШКИЛ, МУШКУЛ ВА ШАКЛ** – сўзлари маъно жиҳатдан бир-бирдан йироқдай кўринади. Аслида бу уч сўз ҳам битта илдиздан ўсиб чиққан. Сўзларнинг туб маъноси "кўриниш берди", "кўринишга эга бўлди" мазмунида келади. "Ташкил қилди" дегани асли, "шакл берди", "мушкул" эса, "шаклдан чиқди", "чалкаш бўлди" мазмунини ифода-лайди.

Сиз айтаётган ишларни ташкил қилиш қанчалик мушкул эканлигини билсангиз эди.

Журналдан

**МУШФИҚ, ШАФҚАТ ВА ШАФИҚ** – уч сўз ҳам битта илдиздан ўсиб чиққан. Бу сўзларнинг туб илдизи раҳмдил, меҳрибон маъноларини англатади.

Фурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Алишер Навоий

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

# МЕХР САБОҚЛАРИ

Сарлавҳага кўзингиз тушибок, Мустақиллик дарси, Тинчлик дарси, Маънавият ва маърифат соатлари бўларди, Мехр дарси ҳам бор эканми, деб ўйлашингиз табиий. Ёхуд "Мехр дарси" қайси мактаб ёки таълим муассасасида ўтилаётган экан?" деган савол туғилиши ҳам ўринли.

Дарҳақиқат, Мехр дарси қанақа дарс, қайси дастур асосида ўтилмоқда? Бу мактаб дарсликларига киритилмаган, бироқ Навоий вилоятида "Умр" ижтимоий реабилитация маркази томонидан амалга оширилган ётган хайрли ишлардан бири.

Маълумки, юртимизда ҳар бир бола мехр оғушида камолга етмоқда. Ёш авлодни тарбиялашга уларга таълим бериш миллий вазифаси яратилганини бутун дунё эътироф этмоқда. Оила, мактаб-гимназия таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларининг бу борадаги роли ва масъулияти оширилганлигини барчамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, Бош Қомусимизда таъкидланганидек, Ўзбекистонда барча болалар билим олиш ҳуқуқига эга. Бирок, ҳуқуқни баралла эълон қилиш чоғида имконияти чекланган болалар ҳам борлиги, улар учун етарли шарт-шароит яратиш юзасидан муайян чоратадбирлар амалга оширилганлигини ҳам унутмаслик керак. Шу боис амлакатимизда соғломлаштириш йўналишидаги, шунингдек, ривожланишда жисмоний ва интеллектуал нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган кўплаб мактаб-гимназия таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Гарчи улар жами болаларнинг кам қисмини ташкил этсада, қисмати, тақдирдан барча яқинлари бутун умр хавотирда яшай туриб.

Уларга ёрдам бериш, тўлақонли ҳаётга қўшишда давлат ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни асосида фаолият юритаётган Навоий шаҳрида жисмоний имконияти чекланган, ҳимояга муҳтож болаларга 13 йилдан буён педагогик, психологик, ижтимоий ёрдам кўрсатаётган, уларни соғломлаштириш ва тарбиялашга ихтисослашган "Умр" фазаж ноғирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилиги марказида ҳам савобли тадбирларни амалга ошираётган инсонлар хизмат қилади. Тажрибали педагог Назира Юсупова раҳбарлик қилаётган мазкур марказ шарофати билан бугунгача қанча қанча жисмоний имконияти чекланган ўғил-қизларнинг соғлом ҳаётга интилиб нафас олишига эришилди.

1998 йили Навоий шаҳридаги 26-мактабгача тарбия муассасаси таркибида дастлаб, ноғирон болаларни соғломлаштирадиган гуруҳ сифатида ўз фаолиятини бошлаган ва атиги саккиз нафар болага хизмат кўрсата оладиган бу марказ, бугун юзлаб болаларнинг жамиятдан ажралиб қолмаслигига эришиш учун интиломоқда.

Таянч ҳаракати туғма чақалоқдан ўн саккиз ёшгача бўлган (фазаж) болаларни соғломлаштириш мақсадида фаолият юритаётган бу марказда ноғиронларнинг ота-оналарига болаларини қандай даволаш, ўқитиш, уйда мустақил ҳаракат қилиши учун шароитлар яратиш, оддийгина ўзига ўзи хизмат қилиши ўргатиш, шунингдек, қонуний



ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиш масалаларида маслаҳатлар берилади.

— Кўпроқ ноғирон боласи бор оналар билан ишлаймиз, — дейди марказ директори Назира Юсупова. — Машгулотлар олиб борамиз. Болани тўрт девор орасида ушлаб туришга ўрганган айрим ота-оналарга ўзлари бажарса ҳам бўладиган оддий муолажаларни ўргатамиз. Уларда махсус мосламалар ёрдамида юришга интилиш кўникмалари пайдо бўлаётганидан жуда хурсандимиз. — Энг муҳими, бу болалар ҳам касб танлашга интиладилар, ўзларини кераклик инсон сифатида ҳис этишга ўрганадилар.

Замонавий тиббиёт асбоблари билан жиҳозланган, эзгу ишлари билан нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз ўрнига эга мазкур нодавлат ташкилоти бугун ноғирон болаларни соғломлаштириш билан бирга ўзларига ишонч ҳиссини уйғотишдек муҳим вазифанинг ҳам удрасидан чиқаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан 2012-2013 йилларда "Ин-

## Ташаббус

Клюзив таълим-ноғирон болаларни ижтимоийлаштириш йўлида" мавзусидаги лойиҳаси молиялаштирилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Мазкур лойиҳа доирасида ноғирон болалар билан муомала қилишни ўргатадиган кўнгиллилар махсус "Мехр дарслари"ни ўқиш учун ўқитилди. Ва бу "волонтерлар" гуруҳи реабилитация марказига яқин 12-мактабда "Мехр дарслари"ни синовдан ўтказдилар. Машгулотлар ўқиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларига ноғирон болалар билан ёнма-ён яшаш ва ўқиш тўғрисида, уларга қандай меҳрибонлик қилиш, қандай ёрдам кўрсатиш кераклиги тўғрисида сабоқ бердилар.

Имтиҳонларда ўқувчиларнинг мавзуга доир фикрлари ўз ифодасини топди. Энг муҳими, митти қалблар мехр дарсларидан катта хулоса чиқардилар. Ўқувчилардан бири "Алишернинг оёғи синган бўлса ҳам, у биздан кўра яхши ўқийди", деб ёзса, яна бири "Камол ноғиронлик аравачасида бўлса ҳам, чиройли расмлар чизади, унга ҳавасимиз келади" деб иншо ёзган.

— Лойиҳа доирасида "Ичимиздаги олам" клубини ташкил этиб, унга ноғирон фарзандини кўчага, мактабга, жамоат жойларига олиб чиқишга чўчиётган, уларнинг камситилишини хоҳламаётган ота-оналарни ҳам тақлиф этдик, — дейди Назира Юсупова. — Уларни болаларнинг имкониятлари чекланган бўлса ҳам, орзулари чекланмаганига ишонтирдик. Ҳозир клубимиз аъзолари орасида паралимпиада голиблари, истеъдодли раҳбарлар борлигидан фахрланамиз. Бу ҳаракатларни нафақат Навоий шаҳрида, балки олис туманларда ҳам тарғиб қилаёмиз. Нурота тумани мактабгача таълим ва умумтаълим мактабларидаги семинар-тренинглар натижасида ота-оналар ўз фарзандларини ҳаётдан ажралиб қолмаслигини таъминлашга қарор қилдилар.


Бу ишлар албатта, мурғак қалбларда мехр-шафқат ва меҳрибонлик ҳиссини уйғотиши баробарида жамиятимизда болаларга қаратилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрликнинг исботидир. Ахир, соғлом ҳаётга интилиб яшашга нима етсин!

Маруса ҲОСИЛОВА,  
журналист.

Тақлиф-мулоҳаза

## КИТОБ РЕКЛАМАСИ КЕРАК (ми?)!

Ҳозир бизда ҳам РЕКЛАМА БОЗОРИ ниҳоятда чаққон. Исталган нарса зўр бериб макталяпти. Телевизору радио тўлқинларида, кўча-кўй, бозору дўконларда, баланд-баланд бинолар пештоқидаги суратлар ва миллий, халқона руҳдан йироқ савиясиз кўшиқлару хонандалар кўнглимизнинг эмас, кўзимиз "меҳмони"га айланиб қолди. Турли-туман дори-дармонларни-ку қўяверинг, устига устак ҳар қадамда очилаётган дори-хоналарни кўриб... қаёққа келиб қолганимиз эсдан чиқиб қолаяпти. Нима дейсиз, бугунги замон талаби шу экан-да. Дунёнинг манаман деган давлатларида ҳам шундай. Лекин...



Хар қандай тарғибот ёки рекламада ҳам меъёр, чек-чегара қонун ва талаблар доирасида бўлиши шарт. Йўқ, бу билан биз "реклама бозори"да ноқонуний фаолият юритилмоқда, деган фикрни ўртага ташламоқчи эмасми. Бу борада ваколатли бўлган идораларнинг ўз вазифаларини масъулият билан адо этишаётганига

шубҳамиз йўқ. Бирок, халқимизда "асалнинг ҳам ози ширин" деган иборанинг бежиз айтилмаганини эслатиш баробарида ушбу долзарб мавзу юзасидан "давр кўзгуси" бўлмиш оммавий ахборот воситаларида вақти-вақти билан баҳс-мунозара юритиш керак, деган тақлифни ўртага ташламоқчимиз.

Тўғри, ҳеч ким ёки бирор бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилот ўз молини ҳеч қанча рекламасиз сотолмайди. Бу табиий. Лекин бу талаб қай даражада ўзини оқлапти деган ҳақли савол ҳам туғилади. Санъат, айниқса, кўшиқчилик, боринги, санъатнинг бир неча тури, тиббиёт, доришунослик ёки техника соҳасида реклама тарғиботи юртимизда яхши йўлга қўйилганлиги қувонарли. Шу ўринда уларда сифатдан кўра фойдага кўпроқ аҳамият қаратилаётганлигини ҳам аширмамаслик керак.

Яқинда Жиззах шаҳрида бўлганимизда ёш ижодкорлардан Чарос Ёқубова ҳамда Муштарий Қудратова кизик бир тақлифни ўртага ташлашди. Яъни, "Реклама бозори"да китоб рекламасини йўлга қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, бу бозорда сотилаётган олди-қочди, майший, бадийликдан йироқ, ҳатто, "оммавий маданият"га мойил бўлган асарларни назорат қилиш вақти келганини айтишди.

Демак, мамлакатимиздаги юзлаб наشريётларда чоп этилаётган бадий-маърифий китоблар тарғиботини янада кучайтириш лозим. Негаки, бизнинг фидойи ноширларимиз томонидан тайёрланаётган китобларнинг халқора микёсда ҳам эътироф қилинаётганлиги бежиз эмас. Албатта, ҳар йили аънавий равишда ўтказилаётган "Китоб байрам"лари, ижодий учрашувлар, китобхонлик кечалари қанча кўп бўлса, халқимизнинг саводхонлиги шунча ошиб бораверади.

Пойтахтимиз, вилоят марказлари ҳамда йирик шаҳар кўчаларида юракларни фахру ифтихорга тўлдирувчи замонавий, гўзал дизайнларда чоп этилган бадий жиҳатдан пишиқ ва ўқишли, оммабоп китобларни реклама, тарғибот қилсак, кўнгилдаги иш бўларди.

Моҳинур ҚОДИРОВА,  
Тошкент Давлат педагогика  
университети талабаси.

### РЕКЛАМА

## АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

қуйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

**АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати)** — Турли яллиғланиш хасталиklarини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиklarини аниқлаш; ҳомиладорликни аниқлаш.

**ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (урولو-андролог хизмати)** — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликларини

аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

**ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ** — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш таҳлили; вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

**ЎЛЧАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).**

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

### ЭЪЛОН!

Азизходжаев Ойбек  
Маратович номига берилган N 380 33 03 рақамли Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Баҳодиров кўчаси 55-уй кадастри йўқолганлиги сабабли  
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тахририятимизга келиб ёки кўнғироқ қилиб ўз муаммолари, дил оғриқлари, қувонч ва ташвишларини биз билан баҳам кўраётган муштариларимиз сони ортиб бормоқда. Бу ҳикояларнинг ҳар бири ортида бир тақдир бор. Кимгадир юпанч, далда керак. Кимдир газетхонларнинг маслаҳатиغا муҳтож.



## Хатлар - тақдирлар

### Бўлжак келин ҳикояси:

— Наримон ака билан унаштирилганимизга бир йилдан ошди. Бир маҳаллада яшаймиз. Бўлажак қайнонам мени тез-тез уйига чақириб, ишларига ёрдамлашиб туришимни илтимос қилади. Бораман. Қарашаман. Ҳар кун эрталаб уларнинг уйдаги ишларини тинчитиб, кейин ўқийман кетаман. Энди эса қайнонам ҳам уйига чақириб, ҳали у ҳали бу юмушни менга юклайдиган бўлиб олди. У ҳам маҳалламизга келин бўлган. Ўғилчасига қараб туришимни сўрайди. Йўқ дея олмайман. Аммо бўлғуси қайнота-қайнонамнинг хизматидан ташқари, уларнинг ҳам ишлари зиммамда қолаётгани баъзида алам қилади. Гоҳида: "Нима, мен уларга хизматкорманми", деб ўйлайман, тагин Наримон аканинг ҳурмати учун индамайман.

"Қиз болалик гуруринг қани? Тўйгача уларникига борма, қулоғинг тинч бўлади", деганлар кўп бўлди. Онам ҳам худди шундай дейди. Нима қилай ахир, Наримон аканинг онасига раҳим қилади. Кексайиб қолган. Унча-мунча уй ишига ярамайди. Қайнонам эса уйда битта чўпни у ёқда бу ёққа олиб кўйиб, демайди.

Бу хонадонга кириб-чиқиб юрганимни кўрганлар ҳар хил тушунади. Ҳатто мени гийбат қилаётганлар ҳам анчагина. Тезроқ тўйимиз бўлса, бу гап-сўзлар ўтириб кетармики, деб ўйлайман. Менга қолса, кичкина тўй қилишларига ҳам рози бўлардим-а, аммо онам бунга кўнмайди. Қиз боланинг қадри бўлиши керак, ҳамма нарсани расм-русуми билан қилинлар, деб қайнонамга шарт қўйган. Уларнинг эса тўй қилишга етгудек маблағи йўқ. Бир йилдан бери маҳаллада гап-сўз кўпайиб кетди. Агар фотиҳамиз бузилса, яхши бўлмас, деган уйда қайнопамнинг барча зугумларига тишимни-тишимга қўйиб чидаяман.

Наримон ака яхши йигит. Хўнарли. Менга ҳали бирор марта ёмон гапирмади. Бўлажак қайнонам ҳам доим дуо қилади. Аммо қайнонам: "Сизларни яхши яшашга қўймайман, бошқа бир қиз топиб, бошқа ушанга уйлантираман", дейди.


Дугонамга дардимни айтсам: "Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, ҳозирдан уларникига кириб-чиқмаслигинг керак. Қадринг-

ни йўқотгансан", деса бўладими. Онам ҳам кейинги пайтда Наримон аканинг уйдагиларни ёқтирмай қолган. "Яхшиси, алоқани уз. Қачонгача қадрингни тўкиб юрасан. Фотиҳангни бузсак, балки бошқа биров билан бахтинг очилиб кетармики", деяптилар.

деса, у беътаимиз (келин дейишга ҳам ор қиламан): "Уйимиздагилар унинг сонингача розилик беришмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-

йўқ", дебди. Жиянимга: "Уйландингни, шу аёлга сен масъулсан, энди уни тўғри йўлга сол", деб нарисмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-

йўқ", дебди. Жиянимга: "Уйландингни, шу аёлга сен масъулсан, энди уни тўғри йўлга сол", деб нарисмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-



Мен эса нима қиларимни билмайман. Онамнинг гапига кирсам, кейин турмушим қандай кечади?

### Йигит кўнгли дарз кетса...

— Яқинда жиянимни уйлантирдик. Келиннинг маҳалласига бориб, кўни-кўшчилардан суриштирганимизда жуда яхши қиз, деб мақташганди. Отанаси ҳам анчайин бамаъни кишилардек кўринувди кўзимизга. Аммо тўйдан кейин бир ойга ҳам етмай, келинимизнинг тарбиясизлиги, ўз қадрини билмаслиги туфайли ёш оила бобод бўлди. Жияним олий маълумотли, яхши жойда ишлайди. Сизларга маъқул келган бўлса, менга ҳам маъқул, яхши қизга ўхшайди, деди. Ёшларни унаштиргач, сарф-харажатларни келишимизга қўйиб чидаяман. "Сизларга оғирлиги тушмасин", деб ётоқ мебелларини ҳам ўзимиз олдик. Тўйни қизнинг отанаси истаганидек дабдбали қилиб ўтказдик.

Аммо келиннинг сира хечраси очилмади. Тўйдан кейин бир ой ҳам ўтмай жиянимга: "Мен бир йигитни яхши кўрардим. Ҳалигача телефонлашиб тураман, сиз билан ажрашиб, унга турмушга чиқаман", дебди. Бу гапни эшитиб тепа сочи тикка бўлган жияним: "Шундай дардинг бор экан, нега аввалроқ айтмадинг",

деса, у беътаимиз (келин дейишга ҳам ор қиламан): "Уйимиздагилар унинг сонингача розилик беришмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-

йўқ", дебди. Жиянимга: "Уйландингни, шу аёлга сен масъулсан, энди уни тўғри йўлга сол", деб нарисмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-

йўқ", дебди. Жиянимга: "Уйландингни, шу аёлга сен масъулсан, энди уни тўғри йўлга сол", деб нарисмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-

йўқ", дебди. Жиянимга: "Уйландингни, шу аёлга сен масъулсан, энди уни тўғри йўлга сол", деб нарисмагач бошқасига уйланиб кетди. Ушанда, ҳали отамдан ўч оламан, деб кўнғилга тугиб қўйгандим. Тўй-томоша билан узатилсам кўни-кўшчилар олдида юзим ёруғ бўлар-

Дарвоқе, куннинг қадри... Илгари унаштирилган қизлар тўйгача хатто ўз отасининг кўзига кўринишга ҳаё қилганини онахонларимиз тез-тез таъкидлайдилар. Аммо бугуннинг айрим қизлари нега бўлажак куёвнинг хонадонига бемалол кириб-чиқиб, қайнота-қайнонаси билан қақчақлашиб юришибди? Нега йигитлар қолиб, қизлар севги изҳор қилишга? Айрим қизларнинг изҳоридан безор бўлган йигитлар: "Мен сизни яхши кўрмайман", дейишга мажбур бўлаётгани ҳам бор гап. Ҳали хатто унаштирилмаган йигитига қимматбахо совғалар харид қилаётган қизлар ҳам афсуски орамизда учраб турибди. Бу замона зайлими? Ёки бугуннинг оналари оилада қизлар тарбиясида сусткашликка йўл қўяптиларми? Ўзлари тушуниб-тушунмай эргааштаганлари — оммавий маданият айрим қизларимизнинг орияти ва гурурини ҳам толтаб-янчиб кетаяптими? Бу саволларга кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуруний отахон ва онахонларимиздан, опа-сингилларимиз, қадри муштарийларимиздан мулоҳазали, ибратли жавоблар кутиб қоламиз.

Ҳамроҳон  
МУСУРМОҶОВА.

## Қадрият

## МЕХР ҚОЛАР ЭКАН

Йўл одамни толиқтиради. Бир соат ҳам шундай узун туюладики, манзилга етишга тоқат қолмагандек гўё. Айниқса, қалбингни соғинч ўртаса. Лекин, автомашина магнитофонидан янграётган мусиқа садолари оз бўлса-да, қалбга таскин беради. Хонанданинг ширали овози ва дардли сатрлардан юрагинг тўлиб кетди: "Мени елкасида кўтарган акам, қадди камон бўлди аллақачонлар".

...Акам билан бир ота икки онадан эдик. 12 ёшимда отамдан етим қолдим. Бунинг устига онам ҳам оғир хасталикка чалинди. Ҳаётимизга оғир кунлар яқинлаша бошладди. Аммо ўша булутларга тоғ бўлиб турган акам, ҳа, бизни, онамни ўғай кўрмай, гам-хўрлик қилган жигаргўшам ҳаётимизнинг изга тушишига сабаб бўлган. Улғайиб, уйли, касби-корли бўлганимиздан сўнг ҳаёт-ва турмушга шу қадар сингиб кетибмизки, миннатсиз меҳрли кўлни ёдимизга олмабмиз. Онам кўп марта: "Болам, акагни кўргани бор", "Бугун акагни уйига чиқдингми?", "Янганг, болалари қандай экан, хабар олдингми?" дейишга қарамасдан, ишим кўпчилиги баҳона қилиб бора олмай. Кечкурун онам йиғлаб, тушларига акам кирганини айтганидан сўнг кўнгли учун йўлга чиқдим.

Айни тушлик маҳали етиб борибман. Болалигимда ҳам кўзларидан меҳр порлаган Тилло янгам бу сафар ҳар доимгидай мени қувониб кутиб олди. Хонага кирганимиздан сўнг акам мени кўриши билан ўрнидан туриб, бағрига маҳкам босдилар. Уларнинг кучоғида отамнинг ҳидини, болалик ифорини туйдим. Ўтирдик. Қуюқ ҳол-аҳвол сўрашилганидан сўнг, янгам ташқарига чиқди.

— Амаки келдилар, тез бўлинг, қизим! Овқатни олиб келинг.

Хонадонга келганимда ҳам оёғини ўйнатиб, кимнидир келишини кутиб ўтирган жувонга юзланиб гапирдилар.

— Ҳали, шу кичина одам амакимми, шунга шунчами?.. Мен эшикка қараб ўтирибман, — деди бепарволарча. Ўрнидан туриб секин кета бошладди.

Янгам бу ҳолатдан хижолатланиб ташқарига чиқдилар, эшикни ёпдилар. Аммо, уларнинг: "Қайнотанг эшитса хафа бўлади, амакинг у киши учун энг катта меҳмон", деб келинни жеркиб гапирётганлари эшитилиб турар эди...

Акам бир оз жим қолдилар. Дастурхон ёзилди, уларнинг тарадудларини кўриб, катта йиғин қилсалар керак, деб ўйладим. Чунки, дастурхон шу қадар тўкин эдики, бир неча таомлар ҳам тайёрланди. Аммо, ҳеч ким келмади. Дам уларни шу қадар овора қилдим, деб хижолат бўлсам, дам бадастур соғва-салом олиб келмаганидан улардим.

Акамнинг ўзи менга чой қўйиб узатди, улар шундай ҳанга гапирардики, бу менга катта одамга қилинган муомаладай туюлди. Жиянларим, янгам бири олиб, бири гапирарди. Акамнинг менга тикилиб ўтирганларини сезиб қолдим. Кўзларида ёш миллилларди. Буни сездирамасликка ҳарқат қилиб, янгамга гапириб кетди.

...Орадан йиллар ўтди. Яна акамникига олдидим. Мени кўриб янгам, жиянларим жуда суюнд. Хар доимгидек акам ўтирган хонага кирдим. Аммо, бу сафар беҳол акам бир нуқтага тикилиб ётарди. Бемажол қўлларини ушлаб юзимга тутдим. Ён-атрофлардан элас-элас йиғи овози эшитиларди. Жуссаси кичрайиб кетган оғамнинг қақноқ кўзлари негадир ёш ва навқирон нигоҳларини эслатди. Лабидан табассум аримасди. Ҳаёлимни булут каби бир зум акамни йўқотиб қўйиш кўркуви эгаллади. Шунда ич-ичимдан меҳрибонимнинг сўхбатини кам эшитганимни тушуниб, афсусландим. Бу менинг шу ёшгача энг катта пўшаймоним эди...

Маҳмуд БОБОВЕВ.

## ИЛК ҚУРБОНЛИК

...Меҳридин тўрт қиздан сўнг ўғил кўрди. Хотинининг кўзи ёриганда ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон деб билди. Битта-ю битта сигирини сотиб, ошна-оғайниларига зиёфат берди. Туғруқхонадан қайтган аёли бунни эшитгач, қаттиқ ранжиди. "Ахир, шу гунажин орқасидан оғзимиз оққа етарди. Ўзидан кўпайса, биримиз икки бўлармиди...", деди.

Меҳридин бели бақувват бойваччалардек унинг гапини кесди: "Вей, хотин, энди менингни ўғлим бор, ўғлим! Унинг учун битта гунажин туғул, ўнта новвосим бўлсаям, қурбон қилардим".

Бўшанган аёлнинг кўнгли ҳам бўшангандек туюлди. Ахир, у шугина жониворга бузоқчалигидан қаровди. Сигир қилиб олишни диллаган эди-да. Афсус, эри бу орзусини бир кунда армонга айлантирибди...

Ёлғиз ўғил ана шу жонлиқдан сўнг кўп нарсаларни қурбон қилди: кўп умидларни, меҳрларни...

## ХАВАС ВА ҲАСАД

Меҳридин ўғлига Шербек деб исм қўйди. Унга бор меҳрини берди-ю, аммо тўрт қизини бор-йўқлигини унутди. Катталари-ку, унинг бу қилишини тушунгандек эди, бироқ дадасини жуда-жуда яхши қурайдиган кенжаси унинг пинжиги суқилса, бақувват қўллар уни нари итарарди: "Бор, онангга! Қани-қани, ота ўғил менга келинг-чи, соғиниб кетдим-ку, сени. Ўзимнинг полвон ўғлим!"

Бундай ҳол тез-тез юз берар, шунда кўзларида гилтирлаган ёш билан беш яшар қизалоқ укасига хавас ва ҳасад билан боқарди... Бошқалари ҳам шундай. Бора-бора қизлар кўнглидаги хавас ўз-ўзидан йўқолди.

## ИЛК ЁЛҒОН

Шербек тантик бўлиб ўсди. У фақат отасининг гапига қирарди, холос. Онаси унга қаттиқ гапира олмас, бир гал эрка ўғилга бир шапалоқ урган аёлини Меҳридин қўриб шундай деди:


— Агар ўғлимга яна қўл кўтарадиган бўлсанг, қўлларингни синдираман, тушундингми? Ўғил боланинг шунақа шўх бўлгани яхши. Бу —

Одам савдосида жисмоний шахслар товарга айланиб, жабрланувчилар асосан, бошқа давлатларга транзит қилиш ва чегаралардан ўтказиш орқали пулланади.

Одам савдоси жиноятлари мажбурий меҳнат, шахвоний хизматларга мажбурлаш, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, чақалоқларни сотиш, инсонларни тиланчиликка мажбурлаш, мажбурий никоҳ ва репродуктив вазифалар эксплуатацияси (сунъий оналик, мажбурий бола туғиш) каби кўринишларда намоён бўлади.

Республикамизда одам савдосининг оқибатларини чуқур англаган ҳолда унга қарши курашиш, юртдошларимиз чегара билмайдиган

## ЭРКА ЎҒИЛ ОЗОРИ



ота ўғил! — деди оғзидан тупук сачратиб.

Аёли гинг дея олмади. Ҳартугул, аввалгидек "ўғил тугмадинг" деб айблаб урма-япти-ку, деб ўзига тасалли берди. Лекин кўнгли баттар гашланди.

Орадан икки кун ўтиб, Шербек кўшни боланинг бурнини қонатди. Кўшни аёл уйларига айюханнос солиб келганди, Шербек яширинди. Кўшнини бир амаллаб ҳовуридан тушириб, чиқариб юборди, онаизор. Аммо Меҳридин ишдан келганида, Шербек ўзини жабрдийда кўрсатиб, воқеага ёлғонларни аралаштириб айтиб берди. Меҳридин кўшнисининг дарвозасини қазаб билан тепиб кирди. Оғзига нима келса, қайтармади. Кап-катта кўшнларининг эмас, муштдай боласининг гапига ишонди. Шу кўнгилсизлик сабаб ҳамсоғлар бир умрлик юз кўрмас душманга айланишди...

Шербекнинг оғзидан чиққани муҳайё қилишга одатланган Меҳридин шу кунгидек зотдор кучукча топиб келди. У каттаргани сайин қопагон бўла бошлади. Бир кун тўнғич қизининг оёғини тишлаб олди.

— Йўқотинг, бу ит ўлгурни. Тагин бошқа қизларнинг тишлаб олмасин, — деди аёл эрига.

— Йўқ, тегмаларнинг менинг итимга. У меники. Тишлаб олган бўлса, қизингизнинг ўзи унинг жигига теккан! — бақирди Шербек дадасининг ўрнига.

мазкур жиноят қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш, ундан жабр қўрганларга ҳуқуқий ва ижтимоий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Яқин тарихга назар ташласак, истиқлолгача бу борада норматив-ҳуқуқий база деярли мавжуд эмас эди. Шу боис давлатлар, одам савдоси жиноятларига қарши курашининг ҳуқуқий асоси шакллантирилди. Конституциямизнинг 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон

Меҳридин "эшитдингми" дегандек аёлига қаради. Сўнг қўшиб қўйди:

— Ўша тўртта қизингдан мана шу битта ит яширди, билдингми? Асабимга тегма!

## СИНГАН КЎНГИЛ

Тўнғич қиз дадасининг бу гапини эшитиб, сесканиб кетди. Ахир, у ўн учда, гапни англайдиган ёшда эди. Қизнинг кўнгли шу кунгидек омон синди. Худди шишадек. Кейинчалик кўп уринса-да, бу кўнгли қурғур бут бўлмади.

... Бир кун мактабда Шербекнинг учинчи опаси — Дилфуза қизлар билан уришиб қолди.

— Опангни анави ерда қизлар уришишяпти. Бориб ҳимоя қилмайсанми? — деди Шербекнинг ўртоқлари.

Шербек ўша ерга борди. Аммо опасининг тарафини ололмади. Бунга уринмади ҳам. У опаси Дилфузани синфдошлари орасида ёмонлади.

Бир ой ўтиб, қиз ўз жонига қасд қилди, хайриятки, тирик қолди.

Дилфуза кундалигига ёзиб қўйган экан: "Укамни ёмон кўраман! Жуда-жуда ёмон кўраман!"

## "БУ УЙГА ҲЕЧАМ КЕЛМАЙМАН!"

Йиллар ўтаверди. Қизлар секин-аста ўз тенгиларини топиб кетишди. Бироқ биргина Дилфуза ўша — болалигидаги воқеа сабаб касалманд бўлиб қолди. У ўнганмас халтога қўл урганни тан олар,

"қариқиз" тамғаси остида укасига нафрати ҳам ошиб борарди.

Қизларнинг дилида бир аҳд туғиларди: "Агар турмушга чиқиб кетсам, бу уйга ҳечам келмайман, ҳеч қачон келмайман!"

## "СЕНИНГ ТЕНГИНГ — ШУ ЧОЛ!"

Дилфузага совчи келмади ҳисоб. Чиройи бип-бинойи эди-ю, бироқ оғзи, ичакларидаги кислотадан куйишнинг асорати сабаб бошқалардек овқат ея олмас, шу боис озиб-тўзиб кетганди. Ўттизга эмас, балки элликка киргандек эди. Унга шуниси алам қиларди.

— Мен уйлангунча қорангни ўчир, тушундингми? — деди Шербек бир кун. — Мен севган қиз сени ёқтирмайди. "Опанг қачон турмуш курса, кейин сенга тегаман", деди.

Дилфуза қон йиғлади. Шу пайт уларниқига човли сўраб чиққан кўшни келинчакка кўнглини ёрди. У билан дардини бўлишгиси келди.

— Дилфуза опа, агар хафта бўлмасангиз, бир гапни айтмоқчиман. Биз анчадан буён... дадамга яхши бир аёл излаб юрүвдик. Агар кўнглингизга оғир олмасангиз, сизни она қилиб олсам. Тўғри, даданингни ёши каттарок, лекин яхши одам...

— Розиман. Ойим билан гаплашинг, — деди қон йиғлаб қиз бечора.

Опасининг кимга узатилган ётганини билган Шербекнинг ичидаги қора илон яна бош кўтарди.

— Тенгингни топибсан-да, ахийри, сенинги тенгинг ўша чол эди, — деди опасини масҳара қилиб...

## МАСТ ЎҒИЛ

Опасининг тўйдан кўп ўтмай, Шербек уйланди. Ўзига ўхшаган тақасалтанг ва зўравон ошналарининг тўс-тўполони билан ўтган тўйдан сўнг келинчак бир марта бўлсин, қайнона-қайнотасига ҳатто бир пиёла чай ҳам қўйиб узатмади. "Унақа эскича одатларни билмайман, замонавий қизман. Чидасанглр шу!" —

деди безрайиб.

Тинчлик яхши, деб ота-она ҳам аламини ичига ютишди.

Онанинги юраги шув этди. Боз устига ўғлининг гиёҳванд моддалари истеъмол қилаётганини эшитиб сиқилди.

Юраги хуруж қилган қайнона узоқ яшамади.

## "ҚАРИЯЛАР УЙИГА ОБОРИБ ҚҪЙ, БОЛАМ..."

Меҳридин ака ёлғиз қолди. Ўғли ўзи билан андармон, келин ўз билганича яшарди. Ҳолинг не, дегувчи йўқ. Қизлар бу остонага қадам босмай кетганларига анча бўлган. Қолаверса, барининг отасидан кўнгли қолган...

Ўша кунгидан дугоналарига гап берди. Баланд овоздаги мусиқа, жувонларнинг кий-чуви етти кўшнига етарди. Неча кундан бери тоби бўлмаётган Меҳридин ака бир амаллаб ташқарига чиқди-да, зиёфат бўлаётган хонанинги эшигини чертди. Ичқаридан чиқиб келган келиннинг кўзларида қазаб учқуну сачради:

— Нега хонангиздан чиқдингиз?..

— Қизим, қўшиқни сал пастроқ эшитинглр. Ахир, ойингизнинг ўтганига ҳали кўп бўлмади...

— Ўлган ўлиб кетди, менга нима? Сиз ҳам хонангиздан чиқмай ўтирсангиз, ўзингизга яхши бўларди! Ўзи бу уйда ортиқчасиз, яна нега асабимни ўйнайверасиз, а?

Меҳридин ака елка қисганча хонасига қайтди. Зиёфат шомдан кейин туғди. Ота ярим кечаси келадиган ўғлини ухламай қутиб тийрди. Ниҳоят, дарвозадан чайқала-чайқала Шербек кириб келди. Ота ўғлини тўхтапти, зарур гапи борлигини айтиди.

— Нима дейсиз, пахан? — деди Шербек кўзларини аранг очганча.

— Жон болам, мени қариялар уйига олиб бериб қўй. Худо хайрингни берсин, болам! — деди Меҳридин ака кўзларидан дув-дув ёш тўкиб.

Бу кўз ёшларда ўғли туғилганидан то шу кунгача ўтган кунлар, воқеалар бир-бир акс этарди...

Шахло ТОШБЕКОВА.

## ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ

## бирдамликни талаб этади

кадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Кейинги йилларда ушбу норма такомиллаштирилиши ўларок, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 сентябрда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида"ги қонунлар ҳам қабул қилинди.

Табиийки, одам савдосига қарши фақат бир давлат

ёки минтақа курашгани билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бу иллатга барҳам беришда кенг миқёсли ҳамкорлик талаб этилади. Шу сабабдан ҳам сўнгги пайтларда ушбу масала БМТ фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Одам савдосига қарши курашиш борасида Ўзбекистон халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳозиргача хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши курашиши ҳақида 30 га яқин шартнома ва келишув

## Ж а р а ё н

имзоланган. Шу билан бирга, дунёда мамлакатлараро миграция сезиларли равишда фаоллашганини ҳисобга олиб, бу жараёнда фуқароларимизнинг манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида хорижий мамлакатлар билан битимлар имзоланаётганига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Кези келганда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича катта тажриба тўплаганини, бу борада ҳатто айрим ривожланган давлатлардан ҳам илгариллаб кетганимизни айтиб ўтиш зарур.

Камола ЖҪРАБОЕВА,  
Шайхонтоҳур тумани  
2-сон ДНИ нотариуси.

Ўқтам ота ён кўшниси билан бог талашиб жанжаллашди. Кунда-шунда маҳаллага шикоят қиладиган отанинг феъли ҳаммага аён. Аммо бу сафарги иш ҳеч ким кутмаган, гайриоддий бўлди: ҳамсоясининг ити экинни пайхон қилаётганини айтди. Кўшниси жазоланмади. Бу отахонни газаблантирди. Шу сабаб бор аламини ўғлидан, келинидан ола бошлади.

— Бу нима қилганинг Нодир. Яна аризомани қайтариб олдингми?.. Сен бола ҳеч отам дейсанми? Мендан беоналар афзал сенга. Бўлди етар. Бор бола-чақанг билан уйингга жўна. Ахир, ўша ит боғимни пайхон қилиб ташлади-ку, ариқдаги сувни чи... Бунга чора кўриш керак. Эгасига итингни бойлаб қўй, десам, гап талашади. Шунча воқеадан кейин ҳам бемалол юрибди. Бир жазосини олганда яхши бўларди-ку, ахир.

Нодир миқ этмади. Ўқтам ота эса баттар асабийлашарди. Ҳатто бақириб, тез-тез гапирганидан нафаси текилиб қолди. Отасининг қалтираб кетганини кўрган ўғилнинг хавотири ошди. Оғир вазминлик билан деди:

— Ахир у ит бўлса, нима тўғри, нотўғрилигини билмайди-ку. Ота кўйинг, жаҳдан тушинг.

Ўғилнинг гап ўқмаслигини тушунган ота индамади. Шу ёшда оталар чойхонада бир-бирига гап беришса, ёки узоқ-яқин қариндошлари зиёратига боришса, бу одам худди қобигига ўралган ипак курти каби уйдан узоққа кетолмайди.

Шунинг учунми, фарзандларини ҳам ёмонлайдиган Ўқтам отани тенгқурларга даврага қўймайди. Бир кун кўшниси маҳалладаги тенгқури Қобил отани кўриб қолди. Унинг маҳаллада бўриси баланд, тўй-маъракаларда бутун қишлоқ отахонни давранинг тўрига ўтказишади. Ўтган

ийли фарзандлари муборак ҳаж зиёратига олиб боришган эди. Ширинсуханлиги, оғир-вазмин ва теран фикрли отахон ҳамқишлоғи Ўқтам отанинг феълини яхши билди.

— Қобилбой, кеча ўғлинг келиб, пулнинг ярмини бериб кетди. Ишлатиб-ишлатиб, беришга келган

## ИЙМОН ВА ИНСОФ ЧЕГАРАСИ

да зикналик қиласанлар. “Устанинг ҳақини териси совимасдан бер”, дейилган-ку, шуни билмасанг, ким сени ҳожи дейди.

У ўзича Қобил отани мот қилгандек, овозини баланд кўтариб гапириб кетди. Хуллас, маҳаллада хурматга эга Қобилжон ота Ўқтам отанинг назарида риёкорга чиқди. Бу томошани эшитган кўшнилари бир-бир дарвозаларини очиб қараб қўйишди. Ҳазилни ҳам дундирадиган Қобил ота кулиб:

— Маҳалламизда ақиллайдиган итлар биттага кўпайибди-да, — дея бепарво ўтиб кетди.

Бу гап Ўқтам отанинг устига муздай сув қуйгандек эди. Тилини тишлади. Шунда ҳовлилардан одамларнинг кулгуси эшитилди. Эшикни “тараклатиб” ёлиб ичкарига кириб кетди. Ҳовлида юрар экан, Қобилдан қасд олишни, шу



### Ойна

сўзига пушаймон қилиш йўлларини ўйлади.

Бир пайт шовқин-сурон кўтарилди. Кенжа набираси югуриб-келиб опасининг ерда йиқилиб, титраб ётганини айтди. Кўчага отилиб чиққан отахон кум билан беланганча узола ётган набирасининг атрофидаги одамларни кўрди: сув қуяётган, бошини босиб турган, тез ёрдамни чақиритган ҳам шулар. Ён кўшниси Собир ака машинасини юргизди.

Зумда содир бўлган бу воқеа Ўқтам отанинг кўз ўнгига муҳрланди. Кимлар ўзи, набирасига ёрдам бераётганлар?

...Кечки дастурхон атрофида ҳам отанинг ҳар доим эшитиладиган овози янграмади. Бошида Нодир отасини кўриб қолган деб ўйлади. Бу ҳол бир ҳафта давом этгандан сўнг отасидан секин ётиги билан ҳол-аҳвол сўради.

— Ота, аҳволингиз яхшими? Нима бўлди, дўхтир чақирайликми? Бирор жойингиз оғрияптими ё?..

Аммо отанинг бир оғиз сўз демасини Нодирни баттар ваҳимага солди. Эрталаб ишга кетаётганда, тунда ишдан келганида тинмай жавраган отаси индамас, уйдан кўчага чиқмас бўлиб қолганди. Берилган саволларга бир оғиз сўз демади. Нодир хонадан чиқиб кетар экан, Ўқтам ота кўзлари ёшланганча тилга кирди:

— Болам, бежиз дуода “Ёшларга кўшниси, кексаларга инсоф бер” дейишмас экан. Ёмон қарибман шекилли, болам!..

Камола АДАШБОЕВА.



### АЙЛАНУВЧИ ТАОМГОҲ

Фазовий қўринишдаги Kuklos ресторани ойнаванд қопламалардан қурилган бўлиб, 2048 метр баландликда, Альп тизмасининг Швейцариядаги Бернуоз тоғлари чўққисига жойлашган. Ресторан Лейзин тоғ-чанги курортнинг диққатга сазовор масканларидан бири ҳисобланади. Kuklos (Kuklos) юночадан ўғирилганда “айланувчи” деган маънони билдиради. Ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб унга айнан шундай



ном берилган. Яъни, ушбу бино бир ярим соат ичида 360 даражага айланиб туради ва ўз фасадида Эйгер, Монблан тоғлари ҳамда Женева кўлининг тиниқ манзараларини ўйноқи тасвирларда акс эттириб, бир бутун гўзалликни намойиш қилади.

### ФИЛ ҚОЯСИ

Агар тоғли худудларда яшасангиз, ўша жойлардаги турли табиат мўъжизаларини кузатгансиз. Масалан, тошбақага ўхшаган, аждар ёки кўйни эслатувчи тошлар. Ё бўлмаса, худди инсон панжалари кўринишида дейимизми, ҳатто қизлар қоматига монанд улкан қоятошлар ва ҳоказо... Хуллас, табиатнинг “санъат асар”лари асрлар давомида одамларни ҳайратга солиб келган. Бу каби табиат мўъжизалари дунёнинг турли ўлкаларида кўпайиб учрайди.

Париждан 90 км. узоқликда унча катта бўлмаган Фонтенбло шаҳарчаси бор. Бу шаҳарча кўпайиб диққатга молик иншоот ва гўшалари билан шуҳрат қозongan. Масалан, боулдеринг, яъни тирмашиб чиқиш машғулига мўлжалланган



қоялари, турли шаклдаги қум-қоялар бу ерларни чинакам эртақлар оламига айлантирган. Энг машҳур қоялардан бири ҳисобланмиш “Фил-қоя” ҳам шу ерда — Фонтенблонинг жанубий-ғарбий худудига жойлашган.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

### ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

Синглимнинг боласини асраб олмоқчимиз. Фарзандликка олиш тартиби қандай?

А. Иброҳимбоев.

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”га асосан фарзандликка олиш тартиби суд қарорига асосан, амалга оширилади. Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига суднинг ҳал қилув қароридан кўчирма, фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

35 ёшдан, турмушга чиқмаганман, ўзим фарзанд тарбиялаб олсам бўладими?

В. Очилова.

— Ёлғиз она томонидан бола фарзандликка олиниши мумкин. Агар суднинг ҳал қилув қароридида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг ота устунини тўлдирши бўйича кўрсатма берилмаган бўлса, ота ҳақида маълумотлар ёлғиз онанинг кўшимча аризаси асосида тўлдирилади.

Саволларга Қизилтепа тумани ФХДЭ бўлими мудири Ғўзал НОРОВА жавоб берди.

### ГАМХЎРЛИК ҚИЛИШИ ШАРТ!

Кампирим оламдан ўтгач, бетоб бўлиб қолдим. Болаларим иссиқ-совуғимдан хабар олишмаяпти. Пулга муҳтожлигим йўқ, пенсиям етарли. Аммо ўғил-қизинг оқибатсиз бўлса, кексайганда қийналиб қолар экан одам. Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, болаларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳақида маълумот берсангиз?

Н. Тўймуродов.



— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиб энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Ўзига хос миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига алоҳида “Оила” боби киритилди. Бош Қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги ўзифодасини топган. Шунингдек, Конституциямизнинг 64-ва 66-моддаларида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга, ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналарига гамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Саволга Шайхонтоҳур тумани 1-сонли ДНИ нотариуслари Ижобат ВАҒОҚУЛОВА, Муқаддас АБДУҚОДИРОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4333. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08